


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**70230501– Этнография, этнология ва антропология магистратура
мутахассислигининг малака талаблари**

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йифилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишиладир.



МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи.....	4
1.2.1.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	5
2.	70230501 – Этнография, этнология ва антропология таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи	9

1. 70230501– Этнография, этнология ва антропология магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70230501– Этнография, этнология ва антропология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 70230501– Этнография, этнология ва антропология магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.

Малака талаби **70230501– Этнография, этнология ва антропология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.**

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70230501– Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70230501– Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70230501– Этнография, этнология ва антропология – “Тиллар” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тармоқ илмий-тадқиқот институтлари; илмий ҳамда тарихий масалалар билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари; музей ва илмий музейлар, моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва кўриқлаш муассасалар бўлинмалари, маънавият ва маърифат марказлари, давлат бошқаруви органлари; ҳалқаро ташкилотлар; хорижий мамлакатлар билан боғлиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлар; хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70230501– Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиши бўйича педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида шарқ тилшунослиги соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, музей ва илмий музейлар, моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва қўриклиш муассасалар бўлинмаларида бошқарув жараёнлари;
- иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида таржимонлик ва иш юритишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари.

1.2.3. 70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- маданиятлараро мулокот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70230501 – Этнография, этнология ва антропология мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофик магистратура битиравчisi қуидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- мамлакатимиз ва чет элларда ҳосил қилинган илғор тажрибаларни инобатга олган ҳолда, мутахассисликка оид янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот лойихаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириши;
- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш;
- касбий фаолиятига мос илмий адабиётларни, илмий тадқиқот лойихаларини ва янги илмий натижаларни ўрганиш;
- кадимги ўрта асрларга оид археологик ёдгорликларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини илмий таҳлил қилиш;
- этнография, этнология ва антропология соҳасида замонавий фан технологияларини жорий этиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш;
- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойихаларни ишлаб чиқиши;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиши;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил килиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Маданиятлараро мулокот фаолиятида:

- маданиятлараро мулоқотда модератор вазифасини бажариш;

- “тил-маданият-мулокот” алоқаларини амалга ошириш;

- глобаллашув жараёнида миллий-маданий меросни тарғиб қилиш;

- миллатлараро маданий алоқалар ривожида фаолият олиб бориш;

- давлат ва жамоат ташкилотларида таржимон, катта таржимон, бўлим бошлиги, референт ва уларга тенглаштирилган лавозимларда касбий фаолият юритиш;

- маданиятлараро мулокотнинг турли жабҳаларида муайян таржима шаклларини, стратегияларини ва усулларини қўллаб таржима қилиш;

- лисоний, лингвомаданий, адекватликни ва коммуникатив мақсадни инобатга олган ҳолда мулокот олиб бориш;

- ҳукумат тадбирлари, расмий йигинларда, учрашувлар ва сайёхлик соҳасида синхрон таржима ишларини амалга ошириш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда консалтинг хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳукуқий ҳамда меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар ишлаб чикиш;

- қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари варианtlарини ишлаб чиқиша ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришини ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниглаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

- шарқ ва гарб тиллари бўйича таржима ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

2. 70230501– Этнография, этнология ва антропология таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўрганилган шарқ ва гарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий қўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-хуқукий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил карорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- архив ҳужжатлари ва бошқа ёзма манбаларни излаш, топиш ва фойдалана олиш;

- этнологияда археологик ашёлардан фойдаланиш;

- этносоциологик сўровномалар ўтказишни тадқиқ этиш;

- анъанавий хўжалик ва ундаги трансформацион жараёнларни тадқиқ этиш;

- ижтимоий мунособатлар, ижтимоий хаёт ва оиласвий маросимларни чукур таҳлил этиш;

- дала ҳужжатларини тўлдириш ва уларни сақлаш, қайта ишлаш;

- аҳолининг моддий маданияти: уй-жойлар, кийимлар, таомларидаги трансформацион жараёнларни тадқиқ этиш;

- ҳалқ оғзаки ижодини тадқиқ этиш;

- моддий ва маънавий маданиятлардаги этнотрансформацион жараёнларни тадқиқ этиш;

- зарур респондентлар (ахборотчилар)ни излаш улар билан мазмунли сұхбатлар ўюнтириш, ахборотчилардан зарур маълумотларни олиш;

- маданий антропологияга тегишли муаммоларни қиёсий, типологик, картографик, тарихий методлар асосида ўргана олиш;

- антропологиянинг долзарб муаммоларини ўрганишда этнологик тадқиқотлар ўтказа олиш ва этносоциологик сўров варақасини тузиш, таҳлил эта олиш;

- амалий антропология тадқиқотлари учун дала этнографик экспедицияларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказа олиш;

- асосий чет тилидаги мутахассисликка оид адабиётлар ва материаллар, уларнинг хронологик, худудий ва тил хусусиятлари;

- асосий чет тилидаги мутахассисликка оид илмий манбалар, илмий журналлар, фундаментал тадқиқотлар ва диссертацияларни ўқиш, таҳлил этиш ҳамда рефератлаш;

- мутахассисликка оид матнларни ўқиш, таржима ва таҳлил қилиш, мутахассисликка оид терминларни йиғиш, таснифлаш ва изоҳлаш усуллари;

- илмий мухокама, мунозара, маъruzаларда асосий чет тилидан фойдалана олиш;

- ўрганилаётган матн муаллифининг илмий, тарихий, фалсафий ва ижтимоий карашларини түғри баҳолай олиш ва ўз фикрларини баён қилиш;
- ўқитилаётган матндаги илмий соҳа терминларини тўла эгаллаш ва амалда кўллаш малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг асосий таълим дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, фан, техника, методология, тадқиқот, автоматлаштириш, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария, виртуал лаборатория, тарихий манба, тарихий ривожланиш босқичлари, этнология, этнография, антропология, амалий антропология, этнос, парадигма, этноиктисодиёт, эволюционизм, неоэволюционизм, фрейдизм, функционализм, диффузионизм, инкульпация, аккультурация, полигиния, полиандрия, социализация, маданий ўзлик, модернизация, гендер концепцияси, неофрейдизм, маданий релятивизм, глобаллашув, приматлар, антропогонез, этнос, модернизация, абсолютизм, тенденция.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор

Г.Ш.Рихсиева

2021 йил « 18 » 08

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министрлари
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбик этиш маркази



Директор в.б.

М.Эсонов

2021 йил « 18 » 08

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Тарих институти

Директор

А.Зиё

2021 йил « 18 » 08

М.Ү.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти



Директор

М.Ү.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллый университети

Ректор

2021 йил « 18 » 08

М.Ү.

